Ушбу сонда: 2 ХОРИЖ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ | 3 TV-ДАСТУРИ | 4 БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 28 август, шанба №120 (767)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## *«Шарқ тароналари» халқаро фестивали кундалиги*

### СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

«Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга юксак эҳтиром рамзи сифатида унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шундан сўнг меҳмонлар Самарқанднинг етти иқлимга машҳур тарихий обидаларини ҳаяжон билан кўздан кечирдилар. Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ёдгорликлар мажмуаси, «Руҳобот» қадамжоси, Улуғбек расадхонаси ва унинг хотира музейидаги ўтмиш нафаси, аждодлар томонидан яратилган беқиёс санъат намуналари зиёратчиларни ғоят ҳайратга солди. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий масжид-мажмуасига ташриф фестиваль иштирокчиларига бир олам таассурот бағишлади.

Юртимизда маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, қадимий меросни кўз қорачиғидек сақлаш, уни ўрганишга катта эътибор қаратилаётганлигидан улар чексиз мамнун бўлдилар. «Сиёб деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятида бўлган меҳмонлар ҳайратини яна бир бор яшира олишмади. Улар бободеҳқонлар пешона тери билан етиштирилган сархил ёз неъматларини татиб, юртимиз замини сахийлигига тасаннолар айтдилар.

Самарқанддаги Акмал Икромов номли Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи музейида «Шарқ тароналари» халқаро иккинчи фестивалига бағишланган кўргазма очилди.

### ФЕСТИВАЛГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академияси Самарқанд вилоят бўлими ҳамда вилоят Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамкорликда ташкил этган бу кўргазмада Шарқ халқлари мусиқаси ва чолғу асбоб-ускуналари ҳақида ҳикоя қилувчи турли ҳужжатли материаллар, нодир қўлёзмалар, шунингдек, самарқандлик элликка яқин ёш мусаввирнинг ранг-баранг мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда.

**(ЎзА)**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИДА

**Шу кунларда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда. Унда Олий Мажлис XV сессияси якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилаётир.**

Навоий вилоят Кенгашида вилоят ҳокими Ғ.Дилов қилган маърузасида Президент, парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органларига сайловларни демократик тамойиллар асосида ошкоралик ва адолат устуворлиги шароитида ўтказилишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Сессияда сайлов ўтказувчи округлар тузишга қарор қилинди ва вилоят сайлов комиссияси тасдиқланди.

* * *

Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Э.Рўзиев сўзга чиқиб, Олий Мажлис XV сессиясида юртбошимиз маърузасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш зарурлигига эътиборни қаратди. Сессияда иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини белгилаш ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясини тузиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими С.Ҳусенов маъруза қилиб, сайловларни юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказиш, сайлов участкалари ва округларида ишлашга жонкуяр кишиларни жалб этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Сессияда иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси тузилди.

* * *

Жиззах вилоят Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқиб, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида тўхталди. Вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари тузиш юзасидан қарор қабул қилинди.

* * *

Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Ш.Бегматов сўзга чиқиб, бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди. Сессияда вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси тузилди.

**(ЎзА)**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби Олийларига***

Президент Жаноблари,

1 сентябр - Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий қутловларимни йўллайман.

Саккиз йил муқаддам мустақиллик эълон қилинган пайтдан буён Ўзбекистон машаққатли, аммо буюк йўлни босиб ўтди. Германия аввалбошданоқ бу йўлда Ўзбекистонга ҳамроҳлик қилди.

Шу давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб борди. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги муҳим шерик ва барқарорлик гарови, деб биламиз.

Сиз Ўзбекистон парламентининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган катта маърузангизда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамиятини барпо этишни мамлакатнинг келгуси асрга ўтишидаги энг муҳим йўналиш, деб атадингиз. Мана шу мақсадларга эришиш йўлида Сиз бундан буён ҳам Германия тимсолида ишончли шерикка эга бўласиз.

Келажакдаги бу шарафли йўлни босиб ўтишда Сизга ва мамлакатингизга барча эзгу истакларни тилайман.

Эҳтиром билан

**Йоҳаннес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти.**

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби Олийларига***

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кун муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг ғоят самимий қутловларимни зўр мамнуният билан йўллайман.

Мен шу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига шахсан омон-эсонлик, Ўзбекистон халқига эса саодатли истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этаман.

**Томас КЛЕСТИЛЬ,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти.**

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби Олийларига***

Президент Жаноблари,

Мамлакатингиз мустақиллиги эълон қилинганлигининг саккиз йиллиги муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни йўллаш менга зўр мамнуният бахш этади ва бу қутловларга Гвинея халқи ва ҳукумати қўшилади. Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва равнақ тилаб билдирган истакларимни ҳамда Сизга бўлган юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этишни истардим.

**Генерал Лансана КОНТЕ,**
**Гвинея Республикаси Президенти.**

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Фахрий фан доктори Ислом КАРИМОВ Жаноби Олийларига***

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Мустақиллигининг 8 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси тақдиридаги энг ёрқин ва муҳим сана, ажойиб байрам - Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва бутун ўзбек халқини Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Илмий Кенгаши ва Плеханов Академиясининг бутун жамоаси номидан муборакбод этамиз.

Инсон ҳаёти мезонлари бўйича бу қисқа муддат, албатта, аммо у Сизнинг Республикангиз учун тикланиш даври, ўзбек халқининг қадимий анъаналарини ривожлантириш ва сақлаб қолишдан иборат ўзининг ноёб тажрибасини тўплаш даври бўлиб қолди. Шу вақт ичида республика ўзининг бетакрор қиёфаси - мустақил давлат қиёфасига эга бўлди ва бундан буён ҳам самарали ривожланишга рағбат олди.

Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг жамоаси Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги муваффақиятларини ҳамда унинг Марказий Осиё ва жаҳондаги мавқеини зўр эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб бормоқда. Шуни қайд этиб ўтиш қувонарлики, ўзбек халқи ўзининг миллий байрамини мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш йўлида янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Сиз Академиямизнинг Фахрий фан доктори эканлигингиз билан фахрланамиз ва Сизни тўла асос билан жамоамизнинг аъзоси, деб ҳисоблаймиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, меҳнат фаолиятингизда муваффақиятлар ва албатта, Сизга, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга ҳамда бутун ўзбек халқига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан

**В.И.ВИДЯПИН,**
**Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг президенти, академик.**

**Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасининг турли жабҳаларида ўн йилликларга татигулик ютуқларга эришилди. Экологик муҳит инобатга олиниб меҳнаткашлар, айниқса хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун энг зарур иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимояни намунали ташкил этиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Улкан бунёдкорлик ишлари самаралари айниқса шу унутилмас байрам кунларида кўзга яққолроқ ташланмоқда.**

**Мақолаларимизда Қорақалпоғистон Республикасида сўнгги кунларда рўй берган қувончли ўзгаришлар, воқеалар хусусида ҳикоя қилинади.**

### ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг авария-қутқарув гуруҳи Туркия республикасининг Сакария шаҳрида зилзила оқибатларини тугатишга доир ишларни давом эттирмоқда. Қутқарувчиларимиз Апазор вилояти губернаторининг илтимосига биноан шаҳарнинг марказий кўчасидаги иккита кўп қаватли уй ва меҳмонхона вайроналарини тозалашда иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот марказининг хабар қилишича, бу вилоятда республикамиздан борган гуруҳ билан биргаликда Исроил, Миср, Болгария, Белгия, Франция ва Озарбайжон қутқарувчилари ҳам ишлашмоқда.

Ўзбекистонлик қутқарувчилар гуруҳи Туркияда иш бошлагандан буён маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда вайрон бўлган 15 та кўп қаватли бинони текширдилар.

Вайроналарни тозалашда гуруҳ бу ерга олиб келган махсус авария-қутқарув машиналаридан фойдаланилмоқда. Маҳаллий маъмурлар мутахассисларимиз иши самарадорлигини ошириш учун уларнинг ихтиёрига 70 нафар кўнгилли қутқарувчи ва 10 нафар ҳарбий хизматчини ажратдилар.

Қутқарувчилар лагерида дала тиббий пункти очилди, маҳаллий аҳоли тиббий ёрдам олиш учун шу ерга келмоқда.

Қутқарувчиларимиз Туркияга Ўзбекистон Қизил Ярим ой Миллий жамиятининг инсонпарварлик ёрдамини олиб борган эдилар. Шаҳар валисининг қарорига биноан бу ёрдам Сакария зилзила оқибатларини тугатиш штабига топширилди.

**(ЎзА)**

## *Мустақиллик иншоотлари*



# АМУДАРЁ ЭНДИ ТЎСИҚ ЭМАС

**Шарқ ва Ғарбни боғлайдиган транспорт йўлларидаги энг йирик табиий тўсиқлардан бири барҳам топди - Амударё устига қурилган автомобил кўприги мустақиллигимизнинг саккиз йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистонни тенг иккига бўлиб оқадиган асов Амударё соҳилларини бирлаштирган замонавий темир-бетон автомобил кўприги аслида ёнма-ён жойлашган, лекин йиллар давомида йигирма бир километр ортиқча йўл босиб, тор ва ноқулай йўлдан юрган Нукус ва Хўжайли туманлари аҳолисининг узоғини яқин қила бошлади.**

Умумий узунлиги бир минг икки юз олтмиш метр бўлган ушбу кўприкнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўрта Осиёнинг энг узун ва йирик дарёси устидан шу вақтга қадар фақат битта автомобил кўприги қурилган эди. У ҳам бўлса собиқ шўролар салтанатининг империяпарастлик манфаатларига хизмат қилган ва Афғонистонга қўшин киритиш учун фойдаланилган Хайратон кўприги эди. Зотан, шўролар мамлакати ҳеч қачон Ўзбекистон халқи манфаатини ўйлаган эмас.

Халқ манфаатларини ўйлаб қурилиш бошлаш фақат юртимиз мустақилликка эришгандан кейингина мумкин бўлди. Амударёнинг икки қирғоғида яшаётган аҳолининг ўзаро борди-келдиси беҳад қийинчилик билан кечаётгани, минтақани иқтисодий ривожлантириш режалари мунтазам автомобил алоқасининг йўқлиги туфайли бажарилмай қолаётгани боис мамлакатимиз раҳбарияти замонавий кўприк қурилишини тез муддатларда тугатиш вазифасини қўйди.

Муҳандислик нуқтаи назаридан ўта мураккаб бўлган бу иншоотни тиклашни қорақалпоғистонлик қурувчилар ўз зиммасига олди. Асосий пудрат ишлари 14-кўприк қуриш отряди томонидан бажарилган бўлса ҳам, уни бунёд этишда Қорақалпоғистоннинг деярли барча қурилиш ташкилотлари фаол иштирок этди. Бир йилга яқин муддат ичида «Ўзавтойўл» ва «Қорақалпоқавтойўл» давлат акционерлик жамиятларининг қурувчилари салкам бир ярим миллиард сўмлик маблағни ўзлаштирди. Лекин бу осонликча бўлгани йўқ. Узунлиги ўттиз уч метрлик темир-бетон тўсинларни ташиб келиш ҳам, ўрнатиш ҳам мураккаб жараёндир. Бетизгин Амударё тубига қоқилган айрим устунларнинг узунлиги қирқ олти метргача борди. Кўприкдан амалда ҳар қандай оғирликдаги юкларни олиб ўтиш мумкин. У бир кеча-кундузда қирқ мингдан зиёд автомобил ўтказиш қувватига эга.

Кўприкнинг очилиш маросими катта тўйга айланиб кетди. Ҳам асфалти, ҳам бўёқлари ярақлаб турган басавлат кўприк ёнида кенг жамоатчилик вакиллари - юрт аҳли йиғилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни бошқаруви раиси Р.Юнусов кўприкнинг рамзий калитини Нукус ҳамда Хўжайли туманлари ҳокимларига топширди. Объект қурувчиларига, жамики қорақалпоғистонликларга шундай муҳим воқеа муносабати билан Президентимизнинг саломи ва табригини етказди. Шунингдек, йиғилишда мазкур кўприк Шарқ ва Ғарбни боғловчи трансконтинентал автомобил йўлининг энг муҳим иншоотларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Халқаро миқёсда режалаштирилаётган Шанхай-Париж, Ляодун-Роттердам автойўллари ҳам ушбу кўприк орқали ўтади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов маросимда сўзга чиқиб, «Халқимизни ҳам қувнатган, ҳам қийнаган Амударё устидан ўтказилган ушбу кўприк эндиликда нафақат Қорақалпоғистоннинг, балки бутун Ўзбекистоннинг манфаатларига хизмат қилади. Бу кунни қорақалпоқнинг асрлик армони ушалган кун, десак хато бўлмайди», деб таъкидлади. Кўприкнинг очилиш тантаналарида сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари халқнинг турмуш тарзини янада енгиллаштирадиган қурилишларга бош-қош бўлиб турган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор қилди. Маросим сўнггида иштирокчилар номидан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига Миннатдорлик мактуби қабул қилинди.

Кишилик жамиятининг тарихи бир ҳолдан гувоҳлик беради. Тез бойишни истаган одам тижорат билан машғул бўлар экан. Ҳам тез бойишни, ҳам тўла ривожланишни истаган давлат эса аввало йўллар, кўприклар қуриб, савдо ва маданий алоқаларни осонлаштирар экан. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ йўллар қуришга, халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга интилаётгани танланган йўлимизнинг тўғри, келажагимизнинг буюк эканига яна бир далилдир. Нукус шаҳри яқинида Амударё устига қурилган замонавий кўприк эса бунинг яққол исботи бўлди.

**(ЎзА),**
**Нукус шаҳри.**

### ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Наманганда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Кун тартибидаги асосий масала Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XV сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилиш эди.

Бу ҳақда вилоят ҳокими Т.Жабборов маъруза қилди.

Сессияда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



### *«Пахта-99»* РЕЖА БАЖАРИЛДИ!

Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли хўжаликнинг Иброҳимжон Мадаминов бошлиқ бригадада пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ҳозиргача 54 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 31 центнердан хирмон кўтарилди. Миришкорлар ялпи ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, бу йил хўжаликда Болгариядан келтирилган «Белый изворь» навли чигит экилиб, агротехника қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда парваришланди. Ҳосил кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Айни кунларда қабул пунктларига йиллик режанинг 4-6 фоизи миқдорида пахта топширилмоқда.

**(ЎзА),**
**Андижон вилояти.**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АЁЛЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган дастур асосида хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ишларини намунали йўлга қўйиш мақсадида «Оналар ва болалар» санаторийлари қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.**

Куни кеча Қорақалпоғистон меҳнатчилари касаба уюшмалари ва қурувчилардан ажойиб совға олдилар. Чимбой шаҳри яқинидаги «Тозажўл» овули ҳудудида замонавий, барча шароитлар муҳайё этилган санаторий фойдаланишга топширилди. Оналик ва болаликка хизмат қиладиган бу ажойиб сиҳатгоҳга яхши ният билан Алпомишнинг ёри - Гулбарчин номи берилганлиги барчага маъқул тушди.

Ажойиб шифо маскани айнан шу ерда бунёд этилганлигининг боиси - 41 даража иссиқликдаги маъданли сув сероблигидир. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, шифобахш неъмат ер юзидаги энг фойдали сувлардан қолишмас экан. Ўшанда имкониятлар ўрганиб чиқилиб, санаторий қурилса айни муддао бўлур эди, деган хулосага келинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши хайрли ишни зиммасига олди. Газетамизнинг ўн тўртинчи август сонидаги мақолада ҳам қисман қайд этилганидек, ният амалга ошса соғлом авлодни вояга етказишга оид энг муҳим ишлардан бири рўёбга чиққан бўларди. Шу боис қурилишга жадал киришилди. Шубҳасиз Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари қурилиш ишлари бир маромда бориши учун барча имкониятни ишга солдилар. Муаммолар ёки баъзи қийинчиликлар юзага келганида Федерация Кенгаши ёрдам қўлини чўзди.

«Оролсувқурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул бунёдкорлари сидқидил меҳнат қилдилар. Сифатга алоҳида эътибор қаратилганлиги боис «Оналар ва болалар» сиҳатгоҳи жозибали қад ростлади. У 75 ўринга мўлжалланган. Шифокорлар эртанги кун ҳақида қатъий ишонч билан гапиришмоқда. Нега деганда сиҳатгоҳда таркибида йод, бром бўлган сув орқали даволаш яхши натижа беришини кўпчилик билади.

Таъкидланганидек, куни кеча «Гулбарчин» санаторийсини тантанали суратда фойдаланишга топшириш тадбири бўлиб ўтди. Сўлим ва файзли гўшага меҳнатчилар, шифокорлар, мутасадди раҳбару мутахассислар йиғилдилар. Барчанинг чеҳрасида табассум. Санаторий Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллик катта тўйи арафасида ишга туширилаётганлиги билан ҳам қадрли эди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова сиҳатгоҳ мутасаддиларига бунёдкорлардан қабул қилиб олинган санаторийнинг рамзий калитини тантанали суратда топширди. Демак, мамлакатимизда яна бир ажойиб сиҳатгоҳ иш бошлади. «Гулбарчин» санаторийси мутасаддилари 75 нафар она ва болани қабул қилишга тайёр!

**М.ИЛЁСОВ.**

**Кизил империя даврида Орол ҳудудидаги экологик офат хусусида кўп ва хўп ёзилди, тонна-тонна оппоқ қоғозлар қораланиб, чиройли қарорлар битилди. Ҳатто экологик офат маркази Мўйноқ туманининг амалдорлари ҳам сохта ваъдаларга учиб шароитга «ўрганиб» кетишди. Аммо экологик вазият мураккаблигича қолаверди.**

# ХОРИЖ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

Фақат мамлакат мустақилликка эришгач Мўйноқ туманида вазият тубдан ўзгарди. Бозор муносабатларини шакллантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан мустаҳкам муҳофаза қилиш юзасидан қатор самарали тадбирлар амалга оширилиб, инфратузилма ривожлантирилди. Хусусийлаштириш изчил амалга оширилиб, тармоқлар батамом давлат тасарруфидан чиқариляпти. Ҳозир туманда 20 та ҳиссадорлик жамиятлари, иккита қишлоқ хўжалиги ширкатлар уюшмаси, 4та фермер хўжалиги, 54та ўрта ва кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида дастлаб қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ишлари чинакамига қўлга олинди. Фақат ўтган йили салкам 225 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 23 минг квадрат метр турар жой, 600 ўринли мактаб биноси, «Қозоқдарё», «Шеге» овулларида шифохоналар, «Учсой»да қишлоқ врачлик пункти қурилиб, 68,4 километр газ ва 44,7 километрлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Мўйноқликлар энг катта ва нурафшон байрам - мустақилликнинг 8 йиллигини ажойиб ютуқлар билан, аъло кайфиятда қарши олишмоқда. Ахир, қувонмасдан бўладими, энг қисқа муддатда «Қизилжар» аҳоли яшаш пунктида 270 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Марказлашган шифохонада беморлар учун овқатланиш бўлими қуриб берилди. Ҳозир «Шарли-Мукан овул - Амударё - Қизилжар - Шеге» йўналишидаги газ тармоқлари қурилишида охирги ишлар олиб борилмоқда.

Мўйноқда кичик ва ўрта бизнес ишбилармонлик, тадбиркорликни ривожлантиришда ҳақиқий бурилиш бўлди. Биргина мисол:

Халқаро оролни қутқариш жамғармаси Нукус дирекцияси томонидан аҳолига 17 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Мўйноқда ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар ва элсевар қилиб тарбиялашда самарали фаолият кўрсатиляпти. 14та умумтаълим мактаблари, лицей ва «Бизнес мактаб» аллақачон янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилган. Ҳозир туман марказида 600 ўринли касб ҳунар коллежи қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Табиийки, Мўйноқ туманида аҳоли саломатлигини сақлаш профилактика тадбирларини олиб бориш бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқ эътибор талаб этади. Бу борада мамлакатимиз ҳукумати ва раҳбарияти аниқ дастурлар асосида изчил иш олиб бормоқда. Шу билан бирга мўйноқликларга халқаро ташкилотлар ҳам амалий кўмак кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Халқаро саломатликни муҳофаза қилиш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ марказий шифохона алоқа тизими тубдан қайта ишлаб чиқиляпти. Мазкур халқаро ташкилот томонидан «Доқ» дастурига биноан сил касаллигига қарши амалий тадбирлар учун 29 минг АҚШ доллари миқдорида дори-дармонлар келтириляпти. Қувончли мисоллардан бири - Мўйноқ шаҳри ҳудудида ҳар бири кунига 15 куб метр тоза ичимлик суви тайёрлаш қувватига эга 5 та сув сақлагич ускуналари ўрнатилиши бошланганини таъкидлаш ўринлидир. Бу хайрли тадбир Франция республикаси билан белгиланган ҳукуматлараро битимга мувофиқ олиб борилмоқда. Уни амалга ошириш мақсадида бир миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

Маълумки, Орол денгизи, Мўйноқ тумани деганда балиқчилик кўз олдингизда гавдаланади. Туманда бундан 30-35 йиллар олдинги балиқчилик шуҳратини қайта тиклаш йўлида озми-кўпми ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Мўйноқ балиқ консерва комбинати» ҳиссадорлик жамияти асосида қўшма корхона ташкил этиш масалалари ижобий ҳал этилди.

Балиқчилар эса ички сув ҳавзалари, ҳар хил кўллардан балиқ овлаб, истеъмолчилар дастурхонига етказиб бериш юзасидан шартномавий режаларини бажардилар. Улар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1500 центнердан ортиқ балиқ овлаб, Мустақиллик байрамига муносиб совға ҳозирлашди.

**Абду РАХМОН,**
**«Ишонч»мухбири.**

## ҲАР ҒАРДИ КЎЗЛАРГА ТЎТИЁ ВАТАН

*Асрлар қаъридан аждодлар руҳи,*
*Шону шавкатидан таралур садо...*
*Мустақил ҳур халқнинг фарзандларимиз.*
*Фахрдан қалбларда юксак бир наво.*

*Даҳолар бешиги - муқаддас Ватан,*
*Шарқу ғарб эшиги - беқиёс Ватан.*

*Зижи Кўрагоний, Ал-жабр фани*
*Инсон закосига қўйилган ҳайкал.*
*Самарқанд, Бухоро, Хива нақшлари*
*Бунёдкор меҳнатдан топдилар сайқал.*

*Ҳар гарди кўзларга тўтиё Ватан,*
*Сенга қалблар қўри, жон фидо Ватан.*

*Шу Ватан бизники - серқуёш бўстон,*
*Аму-Сир мавжидан қулф урган боғлар.*
*Оппоқ пахтазору зангори осмон,*
*Уфққа бўй чўзган адирлар, тоғлар.*

*Замини мўъжиза, зебу зар Ватан,*
*Табаррук тупроғи - дур, гавҳар Ватан.*

*Тўфонлар ўтдилар... бардошли халқим*
*Юртини қайтадан тиклади мудом.*
*Этмоқчи бўлдилар манқурт ва забун,*
*Эрк дея интилиб яшадик ҳар дам.*

*Дилдаги армонлар, дардимиз Ватан,*
*Сен бизнинг боримиз, қадримиз Ватан.*

*Озодмиз, кундан кун обод этурмиз,*
*Юртбоши раҳнамо, халқ унга ҳамдам.*
*Фаровон, баркамол ҳаёт қурурмиз,*
*Бирдамлик биз учун энг олий қасам.*

*Эртаси тонг янглиғ мунаввар Ватан,*
*Ватанлар ичинда энг сарвар Ватан.*

**Неъматулла ЮНУСОВ,**
**Тошкент электротехника алоқа институти доценти.**

## ОЗОДЛИК – ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

Озодлик ҳар кунги оғир ва машаққатли меҳнатдир. Ҳақиқий озодлик негизида имтиёздан кўра бурч кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳар биримиз озодлик деганда имтиёзни эмас, энг аввало бурчни назарда тутмоғимиз даркор.

- Озодлик осонликча қўлга киритилмади, - дейди Оққўрғон туманидаги Й.Охунбобоев номли фермерлар уюшмаси раиси «Шуҳрат» медали совриндори Р.Ҳакимжонов. Таҳқирлашлар, қурбонларга қарши узоқ йиллик курашлар эвазига қўлга киритилган бу озодлик. Буни мен ўз бошимдан ўтказган азоб-уқубатлар мисолида яхши биламан. Истиқлол барча қатори менга ҳам том маънода бахт келтирди. Ўз ҳалол меҳнатим, одамларга, юртимга бўлган ҳақиқий меҳр-муҳаббатим ўз қадрини. Ўтган саккиз йил ҳаётимда туб бурилиш ясади. Бу йил эса камтарин меҳнатим инобатга олиниб, «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Бундан ортиқ бахт борми? Шунинг учун кеча-ю кундуз бир нарса ҳақида кўп ўйлайман. Мен озодликка мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпман. Теварак-атрофимдагилар-чи? Озод юртимизни обод, бой ўлкага айлантиришда етарлича ҳисса қўшаётирмизми?

Мана шу масъулиятни доимо сезиб туриш, юртимизга озгина бўлсада наф келтиришга интиламан.

Минг шукрлар бўлсинким, мана саккиз йилдирки озод, мустақил юртимизда тинчлик-осойишталик. Ҳар ким ишлаб ризқ-рўзини топмоқда. Тўй-томошалар бўлиб ўтмоқда. Кечагидан бугунимиз фаровонлашмоқда. Одамлар уй-жой қуриб ўғил уйлантириш, қиз чиқаришдек эзгу ишларни амалга оширмоқда. Булар ҳаммаси озодлик, мустақиллик шарофатидан, - дейди Қибрай туманидаги Нормуҳамедов номли ширкатлар уюшмаси раиси Обидхўжа Султонов.

Шунинг учун ҳам озодликнинг қадрини ҳар биримиз чуқур англаб, уни асраш, мустаҳкамлаш йўлида тиним билмаслигимиз керак.

Бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясидаги мамлакатимиз Президенти нутқи барчамизда чуқур таассурот қолдирди. Шахсий ҳаётидан юрт озодлигини, Ватан, халқ истиқболини устун қўйганлар хусусида ўйлаб кетдим. Ва ўз-ўзимга савол бердим. Мен-чи, мен, мустақилликка нима бердим? Уни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпман? Илоё, бу бурч масъулияти ҳеч биримизни ҳеч қачон тарк этмасин.

**М.ҲАМДАМ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## РАНГ-БАРАНГ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

Ҳозир Ўзбекистонда тиббий билимлар тарғиботи билан шуғулланаётган ўқув даргоҳлари талайгина. Тиббиёт билим юртлари ҳам малакали ёш мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланиб, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашдек муҳим ижтимоий жараёнларга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Янги ўқув йили муносабати билан бу илм масканлари учун кўплаб яхши совғалар ҳозирланмоқда. Тиббиёт билим юртлари учун бир нечта янги дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам тайёрланди. «Клиник фармакология» деб номланган дарслик шулар жумласидандир.

Анжидон Давлат тиббиёт институти кафедра мудири, профессор Ю.Мамадов томонидан ёзилган мазкур дарслик клиник фармакологияга доир маълумотлар, замонавий даволаш усуллари, доривор ўсимликларнинг шифобахш таъсири каби муҳим масалаларни ёритишга қаратилган.

Қўқон тиббиёт билим юрти ўқитувчиси М.Бекмуродова яратган «Онкология» дарслиги эса ўрта махсус билим юртлари ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, янги ўқув дастури асосида ёзилди.

«Умумий ва табиий психология» деб номланган янги дарслик Термиз тиббиёт билим юрти ўқитувчиси Я.Файзиевнинг кўп йиллик илмий ва педагогик изланишлари натижаси ўлароқ юзага келди. У шу соҳа бўйича илк бор яратилган ўқув адабиёти сифатида ҳам қимматлидир.

Бу каби дарсликлар Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти томонидан босмага тайёрланди. Шунингдек, нашриёт «Спорт тиббиёти», «Болалар физиологияси» сингари дарслик ва қўлланмаларни шу йили чоп этиб, тиббиёт билим юртларига тақдим қилади.

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 8 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

*Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 750 йиллигига*

# МАЖМУА БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Айни кунларда Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқларида Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 750 йиллигига қизғин тараддуд кўриляпти. Айниқса, Урганч шаҳрини бўлиб ўтадиган Шовот каналининг икки томони қирғоқларида Жалолиддин Мангуберди мемориал мажмуи жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда.

Бу улкан иш вилоятнинг барча етакчи қурилиш ташкилотлари томонидан амалга ошириляпти. Ҳозиргача мажмуада 300 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Шунингдек, шаҳарни ободонлаштириш билан бирга мазкур қурилишга 1 миллиард 100 млн. сўм сарф-харажат қилинди.

Яқинда шу санага бағишлаб вилоят телемарафони бўлиб ўтди ва унда Жалолиддин Мангуберди жамғармасига 25 млн. сўмга яқин маблағ тушди. Вилоят аҳли буюк аждодлари хотираси олдида бундай хайрли ишларни бажаришни ўзлари учун бурч деб биладилар. Зеро, мана шундай қадамжоларни барпо этиш - қадим воҳанинг порлоқ келажагидан ҳам далолатдир.



**Суратда: Урганч шаҳрида барпо этилаётган Жалолиддин Мангуберди мажмуида.**

**Ф. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат**

## АНГРЕН КАОЛИНИ ШУҲРАТИ

Ангренда ташкил этилган «Каолин» Ўзбекистон - Германия қўшма корхонасининг каолинни бойитиш фабрикаси иккинчи навбати ишга тушди. Натижада мазкур гигант иншоотда йилига 200 минг тонна қимматбаҳо маҳсулот тайёрлаш имконияти туғилди.

...Бу воқеага ўн йилдан ошди. Ўшанда хизмат юзасидан Ангрен керамика комбинатида бўлганимда, корхона раҳбарлари керамика ишлаб чиқариш учун зарур хомашёнинг ўзимизда катта заҳираси бўла туриб, уни четдан олиб келишаётгани, каолинни бойитадиган фабрика қуриш борасидаги уринишлари эса шўро замонида зое кетгани ҳақида куюниб гапирган эди.

Дарҳақиқат, Ангренда табиатнинг нодир бойликларидан бири - каолинга бой йирик кон мавжуд. Бироқ ундан самарали фойдаланишга эътибор берилмади. Кўмир қазиб олиш жараёнида дуч келган табиий каолин эса чиқинди сифатида уйиб қўйилаверди. Бу хатто экологик вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсата бошлаган эди.

Мустақиллик шарофати туфайли кончиларнинг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ангренда каолинни бойитиш фабрикаси қурила бошлади. Бу ишни Ўзбекистон - Германия қўшма корхонаси ўз зиммасига олди. Мазкур иншоотни тиклашга бор-йўғи ўн бир ой вақт кифоя қилди.

Шу тариқа нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона ноёб корхона бунёд этилди. Бош муҳандис Мираъло Миротаевнинг айтишича, айни пайтда бу ерда икки хил - ҳам керамика, ҳам қоғоз саноати учун зарур каолин ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса керамика ва чинни буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, қоғоз саноатида эса хомашё муаммосини ҳал этишга хизмат қилади. Негаки, бойитилган каолинсиз чинни буюмларни, қаттиқ ва ялтироқ қоғозларни тасаввур қилиш қийин. Каолин қўшилган керамика маҳсулоти, резина буюумлари, пластмасса ноёб хусусиятга эга бўлади. Қолаверса, турли бўёқ ва ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқариш, шунингдек, фармацевтика соҳасида ҳам каолиннинг ўрни беқиёсдир.

Бир сўз билан айтганда, қўшма корхона ишга тушиши туфайли мамлакатимизнинг бойитилган каолинга бўлган эҳтиёжини тўла қондирилиши билан бирга, бу қимматбаҳо маҳсулотни экспорт қилиш имконияти ҳам туғилди. Ҳозирдаёқ Эрон, Туркия, Япония каби мамлакатлардан буюртмалар олинди.

## Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари

# СЎЗДАМАС, ИШДА БОТИР БЎЛАЙЛИК

**«Инсон ҳақида ғамхўрлик - касаба уюшмаларининг бош вазифасидир!» Ана шу шиорни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган мамлакатимиздаги энг оммавий жамоат ташкилоти ўз фаолиятини шу йўналишга қаратмоқда. Жумладан, бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва тармоқ қўмиталари қизғин бораётган конференцияларда ҳам бу соҳадаги бурч қандай адо этилаётганлиги атрофлича таҳлил қилинмоқда, олдинда турган долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда.**

**Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят қўмитасининг конференцияси иштирокчилари ҳам худди ана шу хусусда фикр юритдилар. Ҳисобот давридаги фаолият юзасидан маъруза қилган қўмита раиси Анваржон Набиев ва музокарада сўзга чиққан Косонсой шойи тўқиш ҳиссадорлик жамияти касабақўми раиси Саломхон Абдухамидова, «Наманганттекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг пардозлаш фабрикаси бўёқчиси Кимёхон Жўраева, Наманган ўқув ишлаб чиқариш кўзи ожизлар корхонаси раҳбари Жамолхон Отақориев, «Атлас» ҳиссадорлик жамияти касабақўми раиси Пазилатхон Саттарова ва бошқалар вилоят қўмитаси атрофига бирлашган 163 та бошланғич ташкилот ўз тасарруфидаги 38 мингдан зиёд аъзони ижтимоий ҳимоялаш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш йўлида ибратли тадбирлар амалга оширилаётганини уқтирдилар.**

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган 6 ойида енгил саноатда 8 млд. 498.3 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилдики, бу вилоят миқёсида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотга нисбатан 48.5 фоизни ташкил этади. Мавжуд ишлаб чиқариш корхоналаридан 37 тасида ўтган йилга нисбатан сезиларли ўсишга эришилди. Намангандаги «Атлас», «Шоҳи-Сўзана», «Муштарий», «Наманган ипаги», Уйчи йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамиятлари, Косонсойдаги «Кушон» пойабзал фабрикаси каби енгил саноат тармоқлари шулар жумласига киради. Эришилган бу муваффақиятларда тармоқда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзолари ҳиссаси айниқса баракали бўлди. Бинобарин, бозор муносабатларига ўтишнинг осон кечмаётган бир шароитида уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усулларидан фойдаланилмоқда. Чунончи, шу йилнинг ўзида 163 та ташкилотда иш берувчилар билан ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифода этувчи 6885 та битим ва шартномалар имзоланди. Жумладан, уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кичик корхоналарни ривожлантириш, ишсизликнинг олдини олиш, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш, меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, умуман, ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифода этадиган масалалар киритилган.

Бироқ, афсуски, шундай муҳим талабга ҳамма жойда ҳам бир хил муносабатда бўлиняпти, деб айтиш қийин. Масалан, «Наманган ипаги», кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш корхонаси, Ҳаққулобод тикувчилик фабрикаси, «Юлдуз» трикотаж корхонаси, «Олий Ҳиммат» жамоат корхоналари касаба уюшмалари ва маъмуриятлари ушбу қонуний ҳужжат аҳамиятини ҳозиргача етарли тушуниб етмаяптилар.

Ваҳоланки, бугунги кунда янги иш ўринларини излаб топиш ва шу йўл билан ишсизликка барҳам бериш, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига эришиш юртбошимиз томонидан қўйилган бош вазифалардан биридир. Бу борада вилоятда сезиларли ишлар қилинмоқда. Масалан, кейинги икки йил ичида «Поп-Фен», Косонсой «Текмен», «Силк-Роад» қўшма корхоналари, маҳаллий саноат тизимида «Масдар» каби саноат шохобчалари ташкил этилдики, булар шубҳасиз, ана шу мақсадларга хизмат қилади. Лекин шунга қарамай иш жойлари бўла туриб, «молиявий аҳвол яхши эмас» баҳонасида тўхтатиб қўйилган корхоналар борлиги кишини ташвишга солади. Чустдаги «Нодира», Поп нотўқима матолар ишлаб чиқариш корхоналарини шулар қаторига киритиш мумкин. Учқўрғон йигирув-тўқув, Уйчидаги пойабзал фабрикалари эса вилоят хўжалик суди қарорига асосан банкрот деб эълон қилинди.

Ишчилар ҳамиша ва ҳамма жойда меҳнатларига яраша ҳақларини олишлари шарт. Булар жамоа шартномаларида алоҳида қайд этилган ва қонун тусига киритилган. Лекин айрим жойларда бундай бўлмаётганлиги кўзга ташланиб қолмоқда. 1 июль ҳолатига кўра «Муштарий» ҳиссадорлик жамияти 3.453 минг, «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамияти 200 минг, «Шарқ гўзали» 956 минг сўм ва яна бошқа қатор ташкилотлар болалар нафақаларидан қарздорлар.

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий ҳимоялашнинг таркибий қисмига киради. Шу кунгача тармоқда 1870 ана шундай оила рўйхатга олинган. Уларга баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. 17 нафар кишига эса энг кам иш ҳақи миқдорида ички нафақа белгиланган. Кўпчилик корхоналарда шу йилнинг «Наврўз» байрами арафасида кам даромадли оилалар фарзандларидан ўндан ортиғига хатна тўйлари ўтказиб берилди ва ҳар бир тўй бола номига 5000 дан 7000 сўмгача пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди. Тармоқ касаба уюшмаларининг вазифаси кам таъминланган касаба уюшма аъзосини ижтимоий ҳимоя қилишда фақат унга моддий ёрдам беришгина бўлиб қолмасдан оиласининг нима сабабдан кам таъминланганлигини таҳлил этишдан ҳам иборат бўлиши керак.

Меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш масалалари ҳам тармоқ касаба уюшма қўмитасининг ўтган ҳисобот давридаги фаолиятида муҳим ўрин эгаллади. Асосий меҳнат жамоаларида касаба уюшма қўмиталарининг саъй-ҳаракатлари туфайли бу соҳага эътибор кучайди. Лекин айрим жойларда бу борадаги ишлар талабга жавоб бермайди. Кейинги йилда гарчи 3474 нафар ишчи-хизматчи вилоят қўмитаси тасарруфидаги оромгоҳлар ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилган бўлса-да, ҳали бу соҳадаги вазифалар тўла-тўкис бажарилишига эришилди, деб айтиш қийин.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Қўмитанинг янги таркиби сайланди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

Қизилтепа туманидаги «Бўстон» қўрғонининг Тошпўлат Ҳамид номли маҳалласида мана уч йилдирки, «Нигора» хусусий савдо дўкони фаолият кўрсатиб келмоқда. Дўконда кундалик эҳтиёж молларининг барча турлари мавжуд. Айниқса, кейинги даврда бадиий адабиётлар, ўқув қуроллари билан ҳам савдо қилиш йўлга қўйилганлиги аҳолига жуда қўл келмоқда.



**Суратда: - дўкон сотувчиси Замира Мансурова 3-синф ўқувчиси Моҳигул Болтаевага дарслик танлашда кўмаклашяпти.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

# «ОИЛА» МАРКАЗИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси «Оила» илмий-амалий маркази оилага тааллукли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб асраш, уларни умумбашарий кадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никохнинг мукаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан маънавий ва жисмонан соғлом авлодни шакллантириш каби мухим ижтимоий масалаларни тарғиб қилиб келмокда. Миллий оилавий тарбияда умуминсоний кадриятларни ўрганиш хамда оиланинг ижтимоий-ҳолатини илмий асосда тадкиқ этиш борасида ҳам марказ кўп иш қилмокда.**

Бу ҳақда босмага тайёрланаётган нашрлар ҳам жойларда оммалашиб бормоқда. Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланиб дастурга киритилган маърузалар ҳам алоҳида тўплам ҳолида чоп этилмоқда. Бу нашрлар «Оила кутубхонаси» туркумида босиб чиқарилаётир.

- Шу тариқа «Аёл муаммосига тарихий назар», «Аёлларга имконият», «Аёл - жамият таянчи», «Ёшларни тарбиялашда оиланинг ўрни», «Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда оила, жамоатчилик ва таълим муассасалари ҳамкорлигининг самарали йўллари» сингари бир неча нашрлар юзага келди, - дейди марказ директори Ойниса Мусурмонова. - Биз оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигига бағишланган илмий анжуманларни ҳам режали асосда ташкил этмоқдамиз. «Оилани бошқариш ва унинг муаммолари», «Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий ҳолати», «Аёл ва жамият» каби конференция ва давра суҳбатлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда.

«Жамият, оила ва ислом» илмий-социологик мавзусини тадқиқ қилиш, тавсиялар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган изланишлар ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Шу мавзуга доир тадқиқот дастурини яратишда биз «Ижтимоий фикр» маркази, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат университети, Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Диний тафаккур, ижтимоий фикрни ўрганиш масалалари бўйича тайёрланган тавсиялар республикамизнинг барча вилоятларига юборилди. «Миллий қадрият ва оилавий тарбия», «Имом ал-Бухорий ҳадисларида оилавий саодат» каби мавзуларда ўтказилган анжуманлар қизғин савол-жавоблар, давра суҳбатлари янглиғ тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

Оила бахтини таъминлашга хизмат қилувчи омилларга бағишлаб босмага тайёрланаётган тўплам кўринишидаги мўъжаз нашрлар ҳам оммалашиб бормоқда. Айниқса, «Никоҳ шартномаси ҳақида нималарни биласиз?», «Камқонлик ва унинг олдини олиш», «СПИД - XX аср ўлати», «Сиз бўлғуси онасиз» сингари нашрларга талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси қарори билан марказ ҳузурида аспирантуранинг очилиши нур устига аъло нур бўлди. Кўрилган бу илмий тадбир кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини изчил амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Марказнинг халқаро алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Буюк Британияга қилинган илмий сафар марказ ходимларининг чет эл бой тажрибаси билан яқиндан танишувларига имкон берди.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Ҳар тўғрида*

## ТАҚА БАХТ КЕЛТИРАДИ

**Тақа топиб олган киши бахтли бўлади, деган гап бор. Бунинг бирор асоси борми ёки шунчаки айтилганми?**

**Тарихий манбаларда айтилишича, отлар эрадан олдинги даврларда ҳам тақаланар экан. Ўша вақтларда мансабдор кишилар минадиган отларнинг тақаси олтин ва кумушдан ясалган.**

**Тақалар орада вақт ўтиши билан сийқаланиб, отнинг оёғидан тушиб қолар экан. Бундай тилла ёки кумуш тақаларни топиб олган одам бахтли ҳисобланарди. Отнинг оёғидан тушиб қолган тақани ердан олишга мансабдорларнинг бўйни ёр бермасди, улар буни паст иш деб билишарди.**

*Истиқлол берган имкон*

**Эрон ва Ўзбекистон халқларининг маданий, илмий-маърифий алоқалари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, эронликлар ўзларининг маданияти, тили, адабиётининг ривожланишида мовароуннаҳрликлардан бир умр миннатдор бўлиб келмоқда. Зеро, бу иккала халқнинг муштарак тарихига назар ташлар эканмиз, унинг маданий кенгликларида 2700 йил муқаддам ўзларидан йирик бир таълимотнинг «Авесто» каби буюк ёзма ёдгорлигини қолдиргани, муштарак мерос - ислом даври маданияти, илм-фани юксалишига жуда катта улуш қўшганликларини кўрамиз.**

кўрсатиб, Шарқ билан Ғарбнинг жангу жадал, низоли мунозара майдонларида эмас, маданий-маърифий, дўстлик-тотувлик жабҳаларида бақамти келишини кўзлаб БМТда «Маданиятлараро мунозара» масаласини илгари сурди. Бу таклиф бир овоздан қабул қилиниб, 2001 йил «Маданиятлараро мунозара» йили деб эълон қилинди.

Ўзбекистон билан эса

# УЛУҒЛАРНИНГ ВОРИСИСИЗ

«Авесто» қадимги эронликлар учун дин, маданият, маърифат ва тилнинг юксалишида битмас-туганмас манба бўлиб хизмат этган бўлса, ватандошингиз Рудакий, Самарқандий ўз шеърий асарлари билан X аср форс тили ва адабиёти ривожининг тамал тошини қўйиб берди. Ислом тарихидан биламизки, Қуръонга форс тилидаги илк тафсир Мансур бин Нуҳ Сомоний даврида (X аср) Бухорода ёзилди.

Абу Мансур Мотарудий Самарқандий, Ҳаким Абу Ҳафз Суғдий, Замирий Самарқандий, Сўзаний Самарқандий, Имом Исмоил Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Имом ат-Термизий, Абу Бакр Варрақ Термизий, Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизий, Абу Бакр ибн Исҳоқ ал-Бухорий, Абу Иброҳим Бухорийларнинг ислом илмлари, ҳадисшунослик, тасаввуф, форс адабиёти ривожи жараёнидаги беқиёс хизматларини таъкидлаб ўтишнинг ўзиёқ эронликларнинг бу сарзамин халқларининг етук фарзандларидан қанчалик миннатдор эканликларига ишорадир. Ёки тиб бўйича форс тилида битилган биринчи китоб «Ҳидоят-ул-муталлимин фи-тибб» (Абу Бакр Бухорий)нинг ўзбек заминида яратилганини эслайлик.

Эронда ҳам яшаб, ижод этган жаҳонга машҳур Ибн Сино қайси ўлка фарзанди? Беруний, Шайх Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Абу Ҳафз Насафий, Муҳаммад Насафий, Муҳаммад ибн ал-Касир ал-Фарғоний, Аҳмад ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Бобур...ахир бу улуғлар номлари бутун ислом олами, жумладан, эронликлар учун ҳам азиз, мўътабар-ку! Бугун ўзбек номини олган бу қадимий халқ ҳақли равишда ана шу улуғларнинг ворислари экан, уларга билдирилган миннатдорчиликларимиз ўзбек халқига нисбатан ҳам эронликларнинг ҳурмату эъзоз туйғусидир.

Бугун Ўзбекистон халқи ўз мамлакати озодлигининг 8 йиллигини нишонламоқда ва ўзлигига, буюк аср қадриятларига қайтмоқда. Президент Ислом Каримовнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, жонбозлиги, фидойилиги эса алоҳида ҳурматга сазовордир.

Яқинда Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти юқорида эслатилган буюк қадриятлар ворислари бўлмиш сизу бизнинг ҳам жаҳон цивилизациясида юксак ўрнимиз борлигини биз ана шу алоқаларни аллақачон бошлаб юборганмиз. Кейинги икки йил мобайнида Эронда кўплаб ўзбек олимларининг китоб ва мақолалари чоп этилди, Ўзбекистонда эса бир қатор тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ва бошқа турли кўргазмалар ўтказилди. Эронлик олимлар Ўзбекистондаги илмий конференцияларда иштирок этмоқдалар. Эронда эса «Темурийлар даври маданияти» халқаро конференцияси ўтказилди.

Бундан ташқари «Амир Темур», «Олтин мерос» жамғармаларининг шўъбалари очилиш арафасида. Эронлик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида,Тошкент кинофестивалларида фаол иштирок этиб, юксак совринларни қўлга киритмоқдалар. Мустақиллик туфайли халқларимиз ўртасидаги анъанавий алоқалар яна давом этмоқда. Бу маданий муносабатларимиз янада жипсроқ бўлишини умид қиламиз ва ўзбек элини улуғ байрам Мустақиллик куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Доктор Иброҳим ХУДОЁР, Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ишлари мутасаддиси.**

*Футбол олами*

## «КИМЁГАР» ХАЛҚАРО ТУРНИРДА

Миллий чемпионатимизнинг биринчи лига жамоалари орасида карвонбошилик қилаётган Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси ўз тарихида илк маротаба халқаро турнирда қатнашиш учун Бангладешга жўнаб кетди. Чирчиқликлар у ерда Жанубий Корея ҳамда Малайзия миллий терма жамоалари, Саудия Арабистони ҳамда Таиланд олимпия терма жамоалари ва мезбонларга қарши майдонга тушадилар. Шунингдек, мазкур халқаро турнирда Бразилия ва Венгриядан ҳам жамоалар қатнашиши кутилмоқда.

## ҲАКАМ «ЁРДАМ» БЕРДИ

«Кимёгар» халқаро турнирда қатнашиш учун Бангладешга йўл олган бир пайтда ёшлар терма жамоамиз Германия йиғинидан қайтиб келди. Баҳодир Тошмуҳаммедов шогирдлари мазкур сафар мобайнида иккита ўртоқлик учрашувида қатнашдилар. Биринчи ўйинни Латвия ёшлар терма жамоасига қарши ўтказган ҳамюртларимиз рақиблари устидан 4:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Иккинчи учрашувда эса ёшларимиз мезбонларга қарши майдонга тушдилар. Ўйин тугашига саккиз дақиқа вақт қолгунга қадар дуранг (0:0) натижани «ушлаб» турган вакилларимиз қолган дақиқаларда ҳакам «ёрдами» туфайлигина ўз дарвозаларидан жавобсиз икки тўп олиб чиқишга мажбур бўлдилар.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

• ЕРЕВАН. Арманистон пойтахти бўлмиш бу шаҳарнинг аталиши қадимий қабила номи билан боғлиқ. «Ери+аван»-ерилар мамлакати деган маънони англатади. Бу сўз бора-бора «Ереван» га айланиб кетган.

• Кура. Грузия ва Озарбайжон Республикалари ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё озарбайжонча «КЮР»-бетайин дегани.

Бу дарё оқими тез-тез ўзгариб турганлиги учун ҳам ана шундай аталган. Кўпинча баҳор ойларида тошиб туради. ГЭС қурилганидан сўнг Кура дарёси оқими тартибга тушди.

• БУЭНОС-АЙРЕС испанчада «Яхши ҳаво» деган маънони англатади. Бу шаҳарни испанлар 1535 йили қурилган ва иқлимий шароитлари яхши бўлганлигидан ана шундай аташган.

*Билмайин босдим тиконни*

# ЛАҚМА

Ўтган йилнинг апрел ойи бошларида Исломжон Қудратов Бўзсув қишлоғи даласидан бир «антиқа нарса» топиб олди. Бу нарса бўлакчаларга бўлинган ҳолда қадоқланиб, целлофан халтачаларга ўралган эди. Исломжоннинг кўзлари севинчдан порлаб кетди. Унинг миясида «антиқа нарса»ни сотиш режаси тузила бошлайди. Уни эҳтиётлаб уйига олиб келиб, шкафнинг тепасига қийиқчага ўраб яшириб қўяди. Хотин ва болаларидан сир тутади. Бироқ, у ўз «иши»ни сир тутгани сайин «иситмаси» ошкор қила борди. Яъни кўзлари бежоланиб, ҳаловати йўқолди. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу кимсанинг ҳовлиқиб қолиши сезгир ИИБ ходимларида шубҳа уйғотди. 14 апрел куни И.Қудратов уйи холислар иштирокида текширилди. Натижада 37 бўлакка бўлинган жами вазни 96 грамм бўлган марихуана гиёҳванд моддаси далилий ашё сифатида олинди.

Ислом Қудратов тергов қилинганида, унинг бир қанча яқинлари иштирок этдилар. Жумладан, синглиси М.Қудратова берган кўрсатмада бундай дейилган: «Акам билан келинойимнинг муросалари яхши эмасди. Чунки, акам бозорда нарса сотиб бойиш ўрнига қарзга ботиб борарди. У Отчопар бозорида аёллар оёқ кийимини сотиб ҳам 80 минг сўм қарздор бўлиб қолди. Кейин «билганингни қил» деб янгам боласини олиб онасиникига кетиб қолди».

Зангиота туман ИИБининг тезкор вакиллари У.Бекжонов ва У.Зокировлар судда гувоҳ сифатида қатнашдилар. И.Қудратов гиёҳвандлик моддаси сотаётган эмиш, деган хабарни эшитиб, шошилинч чора кўрганликларини, энг аввало, унинг ўзидан холис жавоб кутишганини таъкидладилар. Аммо, Қудратов ҳеч бир саволга тўғри жавоб бермай, айбини беркитишга уринган. Шундан кейин милиция ходимлари унинг уйида тинтув ўтказишга мажбур бўлишган.

Сўроқ чоғида И.Қудратов «наша»нинг ҳар бир бўлагини 600 сўмдан сотишга мўлжаллаб қўйганини айтди. Шу асосда бу жиноий ҳаракат тўпланган далиллар асосида ўз тасдиғини топди. И.Қудратовга судлов ҳайъати ўз ҳукмини ўқиб эшиттирди. Судланувчи ЎзР ЖК 25-275-модда 2-қисми билан мол-мулки мусодара қилиниб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

* * *

Савдогарчиликни ота мерос деб тушунган чирчиқлик Тоҳиржон Эгамбердиев ҳам тижорат ишлари билан шуғулланишга киришиб кетди. У оиласи билан Россия Федерациясининг Абакан шаҳрига қатнай бошлади. У ерда янги оғайнилар орттирди. Шундай дўстлардан бири - Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида яшовчи Расулжон эди.

У Россиядан машина олиб ҳайдаб келишга одам ёлламоқчи бўлиб турган экан. Тоҳиржон унга жуда қўл келди ва икковлон келишиб, машинани елдек учириб боришаётиб, ногаҳон ўзларига ўхшаган яна бир кимса олдида машинани тўхтатдилар. Абдулла деб ўзини таништирган бу йигитга Тоҳиржон арз-додини тўкиб солди. «Абдуллажон» унинг дардини тинглар экан, манзилга етиб борганларида таниш-билиш қилиб, енгилроқ иш топиб беришликка ваъда берди.

Россиядан Ленинобод томонга елаётган «Опель» русумли автомашинани Тоҳиржоннинг божаси бошқариб борарди. Божа Ленинободга етиб келишгач, ортига қайтди. Тоҳиржон эса Ғофуров яшайдиган шаҳарга машина эгаси Расулжон ака билан етиб келишди. У Тоҳиржонни уч кеча-кундуз меҳмон қилди. Бу вақт орасида бойиб кетишлигига кафолат берган Абдуллажон унинг қўлига бир халта тутқазди.

- Бундай ишларга менинг уқувим йўқ. Йўлда машинани текшириб қолишса-чи? - дея эътироз билдирди Тоҳиржон.

Бироқ, Абдулла унинг эътирозидан хафа бўлмади:

- Ҳай, майли, мен ўзим бу халтани чегарадан ўтказиб бераман. У ёғига сенга оқ йўл. Бор-йўғи Бўка тумани йўлидан Қорасувгача олиб бориб берсанг, 500 АҚШ доллари сеники бўлади, - деди у.

Ноилож бу ишга рози бўлган Тоҳиржоннинг ҳайдаб бораётган машинасини Қорасув йўлида автомобил назорати ходимлари тўхтатдилар. Уларнинг эътиборини машина олди ўриндиғининг пастки қисмида олма-нок билан тўлдирилган оқ халта тортди. Холислар иштирокида очиб қарашганида «коса тагидан нимкоса» кўриниб қолди. Оз эмас, кўп эмас нақд 8465 грамм гиёҳванд моддаси олма-ноклар тагида экан...

Суд Т.Эгамбердиевни ЎзР ЖКнинг 246-модда 2-қисми, 25-272-модда 2-қисми билан айбдор деб топиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан унинг мол-мулки мусодара қилинди ва йигирма йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноий ишларни амалга оширишда воситачи ҳисобланган «Опель» русумли 11Д 93-37 давлат рақамли автомашина ҳам мусодара қилинди. Далилий ашё ҳисобланмиш, 8465 грамм «опий» йўқ қилиб ташланди.

Азиз умрини увол қилаётган, ўзининг лақмалиги билан жиноятга қўл ураётган кимсалар фожеиаси барча учун аччиқ сабоқдир.

**Ҳусанбой АВВАЛОВ, журналист.**

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

**(30 августдан 5 сентябргача)**

• **ҚЎЙ** — Истиқбол учун мустаҳкам пойдевор яратиш истагингиз бўлса, ушбу кунлардан фойдаланиб қолинг.

Душанба ва чоршанба кунлари шахсий транспортингиз бошқарувида алоҳида диққат-эътиборли бўлинг, шунингдек, харид қилишда, яқинлар билан муносабатда зийраклик талаб қилинади.

• **БУЗОҚ** — Ушбу кунларда кутилмаган ва ғайриоддий вазиятлар юзага келиб, режалаштирган ишларингизни амалга оширасиз. Дам олиш кунлари йирик харидлардан ўзингизни тийинг. Яқинларингиз, севиклиларингиз, фарзандларингиз билан мулоқотда мураккаблашишлар кутилмоқда.

• **ЭГИЗАКЛАР** — Тадбиркорлик масалалари, ижод ва ҳамкорлик шанба кунигача ҳеч қандай муаммоларсиз ҳал қилинади ва яхшигина даромад келтиради. Фақат дам олиш кунлари дўстларингиз, яқинларингиз ва фарзандларингиз билан жиддий келишмовчиликларни пул масалалари келтириб чиқариши эҳтимоли бор.

• **ҚИСҚИЧБАҚА** — Жума кунигача тадбиркорлик ишлари, шахсий муаммолар асабийликсиз ечимини топади. Дам олиш кунлари соғлиғингизга алоҳида эътибор беринг. Ушбу кунларда учрашув ва бошқа ишларни кейинга қолдириб турганингиз маъқул.

• **АРСЛОН** — Агарда ушбу ҳафтани керакли мулоқотлар ёки фойдали ахборот тўплашга сарфласангиз, яқин кунларда режа қилиб қўйган ишларингизни муваффақиятли амалга оширишга яхшигина негиз ясаган бўласиз.

• **ПАРИЗОД** — Сезиларли даражада иззатталаблигингиз яхши қабул қилиниши мумкин. Ижодингизда янгиликлар кутилмоқда. Ушбу кунларда кутилмаган моддий харажатлардан узоқроқ бўлинг. Баъзиларнинг шахсий ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй беради.

• **ТАРОЗУ** — Ҳафта сизнинг собиқ тадбиркор мижозларингиз томонидан тарқатилган ғайриоддий миш-миш ва ғийбатларга қарамасдан бароридан келади. Дам олиш кунларини ҳордиқ чиқаришга бағишланг.

• **ЧАЁН** — Ушбу кунларда диққатингизни фарзандлар, ота-онангиз ва оила масалаларига қаратинг. Ҳаётингиздаги ўзгаришлар иш ёки ҳамкасбларингиз билан боғлиқ бўлади.

• **ЎҚОТАР** — Ушбу кунларда сизни деярли уйда кўриш амри маҳол бўлиб қолади. Барча вақтингиздаги иш, фақат ўзингизга маълум режалар банд этади. Душанба, жума ва шанба кунлари турли ваъдаларни берманг, айниқса бу моддий томондан панд бериб қўйиши мумкин.

• **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Моддий-молиявий масалалар юзасидан фақатгина алоқалар ўрнатиш, мулоқотлар билан чегараланинг. Шуни унутмангки, шошма-шошарлик хуфёна ғанимларингизга қўл келади.

• **ҚОВҒА** — Ҳафтанинг дастлабки икки кунида ишбилармон ҳамкорлар, ҳамкасблар ёки иш жойингизда ноқулайликлар юзага келиши мумкин. Ушбу кунларда мижозларингиз томонидан олинган молия билан боғлиқ ахборотларга ишонманг. Шанба ва якшанба кунларига бориб ҳорғинлигингиз ортади, шунинг учун тинчгина дам олишга ҳаракат қилинг.

• **БАЛИҚ** — Ҳафтанинг дастлабки тўрт куни дўстларингиз, таниш-билишларингиз орзу-режаларини амалга ошишига ёрдам беринг. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш, ақлий меҳнат учун жуда қулай бўлиши кутилмоқда.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0648. 1 2 3 4 5 6